



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

18 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 18, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 18, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2025

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№3 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-3>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)  
**Umarxonova Dildora Sharipxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nematov Jo'rabek Nematilloevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)  
**Mexmonov Kambariddin Miradxamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)  
**Borut Strazisar**  
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxonovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzayev Aziz**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farxod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)  
**Qo'shayev Nurali Mahmudovich**  
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Xabibullayeva Dilfuza Kuanishbay qizi</b> DAVLAT XIZMATLARI TUSHUNCHASI VA UNING HUQUQIY MAQOMI.....	5
<b>2. Халилова Нигорахон Акмалжон кизи</b> РОЛЬ СВОБОДЫ СЛОВА В МЕХАНИЗМЕ КОНТРОЛЯ НАД ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ.....	12
<b>3. Baratov Mirodiljon Khomudzhonovich, Khakimov Ravshan Tulkunovich, Akramxodjaev Bori Toxtaxodjaevich</b> ACCESSION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION AND CURRENT ISSUES OF CYBER PROTECTION OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN.....	19
<b>4. Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович</b> КИССАВУРЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ФОШ ЭТИШГА ОИД АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ.....	26
<b>5. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: МИРОВЫЕ ОРИЕНТИРЫ И ОПЫТ СТРАН ЦАРЭС И ОТГ.....	34
<b>6. Давлятов Валишер Хакимжанович</b> АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ: АҲАМИЯТИ, ЗАРУРАТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	58
<b>7. Рустамов Нодирбек Илхомович</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	65
<b>8. Ametova Nurjamal Qudaybergenovna</b> HARBIY YOКИ MAXSUS UNVONDAN MAHRUM ETISH TARZIDAGI QO‘SHIMCHA JAZO TURINI TA‘YINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	74
<b>9. Садуллаев Жахонгир Джамshedович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК, СОТГАНЛИК ЁКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	80
<b>10. Матжанов Илхам Адилбаевич</b> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ОАВ ДА ТАРҚАЛГАН ХАБАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЕКШИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АҲАМИЯТИ.....	88
<b>11. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КОРРУЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	95
<b>12. O‘rinova Dilshoda Adxamovna</b> AYOLLAR JINOYATCHILIGINING SABABLARI, UNI VUJUDGA KELITIRUVCHI SHART- SHAROITLAR.....	108



**Рустамов Нодирбек Илхомович,**  
 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
 Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси  
 E-mail: shox4280@gmail.com

## ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**For citation:** Rustamov Nodirbek Ilkhomovich. PECULIARITIES OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE CONDUCT OF INVESTIGATIVE ACTIONS AT THE PRE-INVESTIGATION STAGE. Journal of Law Research. 2025, 10 vol., issue 3, pp.65-73

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15158653>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур илмий мақолада терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказиш устидан прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Мақола муаллифи томонидан терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари, амалиёти ва муаммолари атрофлича ўрганилган. Илмий мақолада прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасида прокурор назорати институтини такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, терговга қадар текширув, тергов ҳаракатлари, қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, прокуратура органлари, жиноят процесси.

**Рустамов Нодирбек Илхомович,**  
 Самостоятельный соискатель Правоохранительной Академии  
 Генеральной Прокуратуры Республики Узбекистан  
 E-mail: shox4280@gmail.com

## ОСОБЕННОСТИ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ПРОВЕДЕНИЕМ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ НА СТАДИИ ДОСЛЕДСТВЕННОЙ ПРОВЕРКИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье исследованы особенности прокурорского надзора за проведением следственных действий на стадии доследственной проверки. Автором всесторонне изучены правовые основы, практика и проблемы прокурорского надзора на стадии доследственной проверки. В статье разработаны предложения и рекомендации, направленные на повышение эффективности прокурорского надзора. Проанализирован опыт зарубежных стран и сформулированы выводы по совершенствованию института прокурорского надзора в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** прокурорский надзор, доследственная проверка, следственные действия, законность, права человека, органы прокуратуры, уголовный процесс.

**Rustamov Nodirbek Ikhomovich,**  
Independent researcher of Law Enforcement Academy  
of General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan  
E-mail: shox4280@gmail.com

## PECULIARITIES OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE CONDUCT OF INVESTIGATIVE ACTIONS AT THE PRE-INVESTIGATION STAGE

### ANNOTATION

This article examines the features of prosecutorial supervision over investigative actions at the pre-investigation stage. The author comprehensively studies the legal framework, practice, and issues of prosecutorial supervision during the pre-investigation stage. The article develops proposals and recommendations aimed at increasing the effectiveness of prosecutorial supervision. The experience of foreign countries is analyzed, and conclusions on improving the institution of prosecutorial supervision in the Republic of Uzbekistan are formulated.

**Keywords:** prosecutorial supervision, pre-investigation check, investigative actions, legality, human rights, prosecutor's office, criminal procedure.

Дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, прокурор назорати фаолияти самарадорлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳон мамлакатларида жиноятлар ҳақидаги ахборотлар юзасидан иш юритувни амалга ошириш, терговга қадар текширув устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, терговга қадар текширувда тезкор-қидирув фаолияти ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш масалаларини илмий-амалий тадқиқ этиш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Мазкур муносабатлар қатор халқаро конвенция ва шартномаларда, жумладан, БМТнинг 1990 йилги “Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига тааллуқли раҳбарий принциплари”, Европа Иттифоқи Вазирлар Кенгашининг 2000 йилги 19-сон “Жиноий одил судлов тизимида прокуратуранинг ўрни тўғрисида”ги тавсиялари, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 2003 йилги 1604-сон “Демократик жамиятда қонун устуворлигига асосланган прокуратуранинг ўрни тўғрисида”ги тавсиялари, “Прокурорлар учун ҳуқ-атвор ва этика бўйича Европа раҳбарий принциплари” (Будапешт, 2005 йил), “Касбий масъулият стандартлари ҳамда прокурорларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари изоҳи” (Прокурорлар халқаро ассоциацияси, 1999 йил) қабул қилинганлиги терговга қадар текширувда прокурор назоратини янада такомиллаштириш зарурлигини асослантиради.

Мустақиллик йилларида республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлаш, тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатини яхшилаш, судга қадар иш юритиш, хусусан, терговга қадар текширув жиноят-процессуал институтини янада такомиллаштириш, терговга қадар текширув жараёнида процессуал ва тергов ҳаракатларини амалга оширишнинг оптимал механизмларини яратишда прокурор назорати институти самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган назорат фаолияти алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан раҳбарий ҳужжатда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида қайд этилган.[1] Бу эса прокурор назоратининг, жумладан терговга қадар текширув босқичидаги назорат институтининг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Айниқса, жиноят ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал этиш жараёнида, яъни терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: «Қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда».[1] Шу нуқтаи назардан, терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказиш устидан прокурор назоратининг хусусиятларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, прокуратура органлари қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Бу конституциявий норма прокурор назоратининг барча йўналишлари, жумладан терговга қадар текширув босқичидаги назорат учун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддасига кўра, прокурор жиноят ишларини кўзғатиш ва терговга қадар текширувни амалга ошириш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Жиноят-процессуал кодексининг 382-моддасига биноан эса, прокурор терговга қадар текширувни амалга оширишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ваколатига эга.[3]

Бош прокурорнинг 2016 йил 22 февралдаги «Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ҳамда ҳал қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи билан тасдиқланган йўриқномада терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратини амалга ошириш механизмлари батафсил белгиланган.

Терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Терговга қадар текширув босқичида прокурор назорати бир неча йўналишларни, жумладан жиноятлар тўғрисидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш, терговга қадар текширув давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тергов ҳаракатларини ўтказиш тартибига риоя қилиш каби масалаларни қамраб олади.

2. Прокурор назорати терговга қадар текширувни амалга оширувчи барча органлар (суриштирув, тергов) фаолиятини қамраб олади.

3. Прокурор назоратни амалга оширишда фақат қонунга бўйсунди ва ҳеч қандай идоравий манфаатлар билан боғлиқ эмас.

4. Терговга қадар текширув босқичидаги қонун бузилишларига тезкор муносабат билдириш имконияти мавжуд.

5. Прокурор назорати нафақат аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, балки уларнинг олдини олишга ҳам қаратилган.[4]

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасига кўра, терговга қадар текширув босқичида қуйидаги тергов ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш, тафтиш ўтказиш. Прокурор назорати ушбу тергов ҳаракатларининг қонунийлигини ва асослилигини текширишга қаратилган.[5]

Тадқиқот натижаларига кўра, терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказиш устидан прокурор назоратини амалга оширишда қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Терговга қадар текширув муддатларини асоссиз узайтириш ҳолатлари. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда терговга қадар текширув муддатларини узайтириш ҳолатлари сони ортиб бормоқда. Бу эса фуқароларнинг ўз вақтида одил судловга эришиш ҳуқуқига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Тергов ҳаракатларини ўтказишда процессуал нормаларнинг бузилиши. Жумладан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаларини расмийлаштиришда хатоликларга йўл қўйилиши, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартибига риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича камчиликлар. Хусусан, терговга қадар текширув давомида шахсларни чақириш ва сўроқ қилиш чоғида уларнинг ҳуқуқлари ҳақида тўлиқ маълумот берилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

4. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда қонун бузилишлари. Айрим ҳолларда далилларни тўплашда процессуал тартибга риоя қилинмаслик оқибатида улар келгусида суд томонидан яроқсиз деб топилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Прокурорлар фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги йўриқномасига мувофиқ, прокурорлар жинойт иши бўйича тергов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, холислик ва беғаразлик принципларига амал қилиши, айбсизлик презумпцияси принципини таъминлаши зарур.[6]

Хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлардаги прокурор назорати амалиёти қуйидаги йўналишларда ривожланмоқда:

- Германияда прокурор тергов жараёнининг «эгаси» ҳисобланади ва тергов ҳаракатларини бевосита ўзи бошқаради.

- Францияда прокурор дастлабки тергов тартибини назорат қилиш билан бирга тезкор-қидирув фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколатига эга.

- АКШда прокурор (District Attorney) тергов органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатига эга бўлиб, далилларнинг етарлигини баҳолаш ва иш бўйича кейинги ҳаракатлар юзасидан қарор қабул қилади.

- Россия Федерациясида прокурорнинг терговга қадар текширув босқичидаги ваколатлари кенгайтирилган бўлиб, у нафақат назорат функциясини, балки тергов ҳаракатларини мувофиқлаштириш функциясини ҳам амалга оширади.

Бу тажрибалар Ўзбекистонда прокурор назоратини такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказиш устидан прокурор назоратининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ҳуқуқий асосларнинг мукамаллигига боғлиқ. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида прокурор назоратининг асослари етарли даражада белгиланган бўлса-да, уларни амалга ошириш механизмлари тўлиқ такомиллаштирилмаган.

Ғ.А. Абдумажидов, А.Х. Раҳмонқулов, Б.Х. Пўлатов каби олимларнинг тадқиқотларида прокурор назоратининг назарий жиҳатлари батафсил ўрганилган. Жумладан, Ғ.А. Абдумажидов прокурор назоратини «қонунийликнинг таянч устуниси» деб таърифлайди ва унинг самарадорлигини оширишда процессуал мустақилликни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди.[7]

Б.Х. Пўлатовнинг фикрича, «терговга қадар текширув босқичидаги прокурор назорати нафақат қонунийликни таъминлашга, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга ҳам қаратилган бўлиши лозим».[8] Бу фикр бизнинг тадқиқотимиз натижалари билан ҳам мос келади.

Шу билан бирга, терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг самарадорлигини баҳолаш масаласида турли қарашлар мавжуд. А.Х. Раҳмонқулов прокурор назоратининг самарадорлигини аниқланган қонун бузилишлари сони билан боғлайдилар.[9]

Бошқа тадқиқотчилар эса Ш.Ф.Файзиев прокурорнинг тергов ҳаракатларига аралашуви чекланганлигини ижобий баҳолайдилар, чунки бу терговчи ва суриштирувчиларнинг мустақиллигини таъминлайди деб ҳисоблайдилар.[2]

Ф.Х.Алимов эса, прокурор жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичларида иштирок этар экан, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятининг, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳамда тергов ва айбловнинг қонунийлиги устидан раҳбарлик ва назорат қилиш функциясини бажаради[10].

З.С.Ибрагимов ҳам бу борада прокурор назоратининг асосий принциплари тизимида умумҳуқуқий, махсус принциплар бир-биридан аниқ фарқ қилади, шунингдек, улар ташкилий ва функционал принципларга ҳам бўлиниб, улар прокуратура фаолияти хусусиятларини қандайлигини, шунингдек, прокуратуранинг ҳуқуқий мақомини аниқлашга ёрдам беради[11], деб ҳисоблайди.

Ўзбек процессуалчи олими Д.М.Миразов эса, “дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажариши устидан назорат соҳаси бўлиб, прокурорнинг жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этишидан то жиноят иши бўйича дастлабки терговни тамомлашга қадар терговчининг қарор ҳамда ҳаракатлари қонунийлигини таъминлашга қаратилган фаолият ҳисобланади”[12], деб ёзади.

Қирғиз процессуалчи олими У.М.Калдыбай таъкидлашича, “прокурор назоратининг мустақил йўналиши сифатида судга қадар иш юритиш босқичида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати дастлабки тергов органлари ҳамда улар билан ўзаро ҳамкорлик қиладиган суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятига қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида процессуал раҳбарликни амалга ошириш бўйича ҳокимият ваколатларини амалга ошириш билан тавсифланади”[13].

Бир қатор тадқиқотчилар таъкидлаганидек, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор назорати биринчи галда оммавий манфаатлар ҳамда жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлашга қаратилган[14].

М.В.Колесов эса, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор назорати деганда, мансабдор шахслар томонидан судга қадар иш юритиш жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ амалга оширилганлиги, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилганлиги, уларнинг ҳаракатлари содир бўлган жиноятнинг барча ҳолатларини тезкор аниқлашга йўналтирилганлиги нуктаи назаридан самаралиги устидан назорат қилишни тушунади[15].

Бу борада С.И.Дехтяр таъкидлаганидек, прокурорнинг жиноят процессидаги иштироки фақатгина судга қадар иш юритиш босқичидаги органларнинг жинойий таъқибни амалга ошириш борасидаги фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш билан чекланмайди. Муаллифнинг фикрича, судга қадар иш юритишда прокурор процессуал раҳбарлик функциясини ҳам бажаради. Бунда судга қадар иш юритиш босқичидаги масъул органлар ва мансабдор шахслар жинойий таъқибни бир томонлама амалга оширса ёхуд тўлиқ амалга оширмаса, прокурор судга қадар иш юритиш жараёнига аралашishi, йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатини бартараф этиши ҳамда тегишли органлар фаолиятини жиноят суд иш юритуви вазибаларини бажаришга йўналтириши лозим бўлади. Шу тариқа прокурор унга берилган ҳокимият ваколатларидан фойдаланган ҳолда жиноят ишини тергов қилишда қонунийликни таъминлайди[16].

Фан назариясида контроль функциясини бажарувчи органлар ва мансабдор шахсларга қараб, идоравий-процессуал контролни ташкилий ва процессуал контролга ажратиш ҳам анча кенг тарқалган[17]. Хусусан, ўзбек процессуалчи олими Д.М.Миразов таъкидлаганидек, “Процессуал контроль функцияси жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, ҳукм, ажрим ва қарорлар қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидалар ва қонунийликка риоя этилиши устидан амалга

ошириладиган кузатиш, текшириш, назорат қилиш ва тегишли таъсир чораларини кўришдан иборат комплекс тавсифга эга ҳаракат ва қарорлар мажмуидир”[18].

Яна бир ўзбек тадқиқотчиси А.А.Шамсиев эса, айнан терговга қадар текширувга татбиқан идоравий-процессуал контролни ташкилий ва процессуал контролга ажратган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Тадқиқотчининг ёзишича, ташкилий контроль маъмурий-ҳуқуқий шаклда амалга оширилади ва идоравий-норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган. Жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш устидан идоравий-ташкилий контроль жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш тартибига риоя этишни текширишга қаратилган. Ички ишлар органининг бошлиғи ҳар куни ҳодисалар тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ рўйхатга олиниши ҳамда ҳал этиш муддатларига риоя этилиши, жиноятларни ҳисобга олиш китоби ҳамда ҳодисалар тўғрисидаги хабарларни ҳисобга олиш журналининг тўғри юритилиши устидан контролни амалга оширади, жиноятга оид хабарларнинг ички ишлар органида рўйхатга олинишининг тўлиқлигини солиштириб чиқади. Худди шундай контроль ваколатлари жиноятга оид хабарлар қабул қилинадиган, рўйхатга олинадиган ва текшириладиган бошқа идораларнинг раҳбарлари томонидан ҳам амалга оширилади. Ташкилий контролдан фаркли ўлароқ, идоравий-процессуал контроль процессуал шаклда қўлланилади ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахснинг процессуал фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, яъни, жиноят-процессуал хусусиятга эга бўлади. Терговчининг ҳаракатлари устидан процессуал контроль қилиш ҳуқуқи тергов бўлинмаларининг бошлиқларига берилган. Бундай контролни амалга ошириш учун жиноят ишини кўзғатиш босқичига мувофиқ равишда юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзаро ваколатларини қонуний тартибга солиш зарур[19].

Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг самарадорлиги қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши мумкин:

1. Терговга қадар текширув босқичида йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш даражаси.
2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражаси.
3. Терговга қадар текширув муддатларига риоя қилиниши.
4. Тергов ҳаракатларининг қонунийлиги ва асослилигини таъминлаш.
5. Тўпланган далилларнинг мақбуллиги ва ишончлилигини таъминлаш.

Халқаро стандартлар ва хорижий тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатларда прокурор нафақат назорат функциясини, балки тергов жараёнини мувофиқлаштириш функциясини ҳам амалга оширади. Бу тажриба Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Терговга қадар текширувда прокурор назоратининг **мақсади ва вазифаларига** ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Масалан, А.Г.Тетерюк фикрича, судга қадар иш юритишда прокурор назоратининг мақсади жиноят ишини қонуний, тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилишни таъминлашдан иборатдир[20]. В.В.Самсонов ҳам А.Г.Тетерюк билан ҳамфикр бўлиб, судга қадар иш юритишда прокурор назоратининг мақсади жиноят ишини қонуний, тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлашдир[21], деб ҳисоблайди. Шу каби фикрни А.А. Шамсиев ҳам қўллаб-қувватлайди[22].

Бизнингча эса, терговга қадар текширувда прокурор назоратининг **мақсади** бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**биринчидан**, терговга қадар текширув жараёнида Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

**иккинчидан**, терговга қадар текширув жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ташкилот, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, прокурор назоратининг самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, «Электрон жиноят иши» ахборот тизимини жорий этиш орқали терговга қадар текширув жараёнларини назорат қилиш имкониятлари кенгайди.

Шу билан бирга, прокурор назоратининг самарадорлигини оширишда тизимли ёндашув зарур. Бунда нафақат ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, балки прокурорларнинг касбий малакасини ошириш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, моддий-техник таъминотини кучайтириш, ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Терговга қадар текширув босқичида тергов ҳаракатларини ўтказиш устидан прокурор назорати жиноят процессининг муҳим институти бўлиб, у қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишга қаратилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, уни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Хусусан, прокурорларнинг терговга қадар текширув босқичидаги назорат ваколатларини кенгайтириш, назоратнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш, прокурорларнинг малакасини ошириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш орқали прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Бизнинг фикримизча, терговга қадар текширув босқичида прокурор назоратининг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат қонунийликни таъминлашга, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 29, 2022 “On the Development Strategy of New Uzbekistan”)
2. Файзиев Ш.Ф. Терговга қадар текширув. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2018. – 214 б. (Faiziev Sh.F. Pre-investigation investigation. Study guide. – Tashkent: TDUI, 2018. – 214 p.)
3. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). – Тошкент, 2024. (Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor's Office” (new edition). – Tashkent, 2024)
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ҳамда ҳал қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (Order of the Prosecutor General of the Republic of Uzbekistan dated November 24, 2018 “On improving the procedure for receiving, registering and resolving applications and reports on crimes”)
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Адолат, 2024. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent: Adolat, 2024.)
6. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. Учебник. – М.: Норма, 2017. – 252 с (Smirnov A.V., Kalinovsky K.B. Criminal process. Textbook. – М.: Norma, 2017. – 252 p.)
7. Абдумажидов Ғ.А. Жиноят процессуал кодексига шарҳ. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 472 б (Abdumajidov G.A. Commentary on the Criminal Procedure Code. – Tashkent: TSUI, 2009. – 472p)
8. Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2014. – 156 б. (Pulatov B.Kh. Prosecutor's supervision. Textbook. – Tashkent: TSUI, 2014. – 156 p)
9. Рахмонкулов А.Х. Дастлабки тергов. Дарслик. ИИВ Академияси. – Тошкент., 2003. – 418 б. (Rakhmonkulov A.Kh. Preliminary investigation. Textbook. Academy of the Ministry of Internal Affairs. – Tashkent., 2003. – 418 p)

10. Алимов Ф.Х. Процессуальное положение прокурора в досудебном производстве: теория и практика: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: Академия МВД, 2009. – С.9. (Alimov F.Kh. Procedural position of the prosecutor in pre-trial proceedings: theory and practice: Diss. ... Cand. of Law. - Tashkent: Academy of the Ministry of Internal Affairs, 2009. - P.9.)
11. Ибрагимов З.С. Прокуратура суверенного Узбекистана. – Ташкент: МВД Республики Узбекистан, 2000. – С.84. (Ibragimov Z.S. Prosecutor's Office of Sovereign Uzbekistan. - Tashkent: Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2000. - P.84.)
12. Миразов Д.М. Даствлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жихатлари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2016. – Б.34. (Mirazov D.M. Procedural control and supervision of criminal proceedings, tashkiliation and procedural studies: Legal. Ph.D. diss. author's abstract. - Tashkent: Uzbek Institute of Internal Affairs, 2016. - P.34.)
13. Калдыбай У.М. Прокурорский надзор за исполнением законов в уголовно-процессуальной деятельности органов предварительного расследования Кыргызстана: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С.9-10. (Kaldybay U.M. Prosecutor's supervision over the execution of laws in criminal procedural activities of preliminary investigation bodies of Kyrgyzstan: Abstract of Cand. Sci. (Law) Dissertation. – Moscow, 2004. – Pp.9-10.)
14. Тетерюк А.Г. Прокурорский надзор за производством дознания: уголовно-процессуальный и организационный аспект: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2011. – С.13-14.; Тетрюк А.Г. Прокурорский надзор за производством дознания: уголовно-процессуальный и организационный аспекты: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2011. – 22 с.; Крюков В.Ф. Правовой статус прокурора в уголовном преследовании (досудебное и судебное производство): Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М., 2012. – 36 с.; Борозенец Н.Н. Надзор и правообеспечительная деятельность прокурора в уголовном судопроизводстве: проблема соотношения // Общество и право. – Москва, 2015. – № 4 (54). – С.222-226. (Teteriuk A.G. Prosecutor's supervision over the conduct of an inquiry: criminal procedural and organizational aspect: Abstract of Cand. Sci. (Law) Dissertation. – N. Novgorod, 2011. – Pp.13-14.; Teteriuk A.G. Prosecutor's supervision over the conduct of an inquiry: criminal procedural and organizational aspects: Abstract of Cand. Sci. (Law) Dissertation. – N. Novgorod, 2011. – 22 p.; Kryukov V.F. Legal status of the prosecutor in criminal prosecution (pre-trial and trial proceedings): Abstract of Cand. Sci. (Law) Dissertation. ... Doctor of Law. – Moscow, 2012. – 36 p.; Borozenets N.N. Supervision and law enforcement activities of the prosecutor in criminal proceedings: the problem of correlation // Society and Law. – Moscow, 2015. – No. 4 (54). – P.222-226.)
15. Колесов М.В. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании должностных преступлений, связанных с укрытием преступлений от учета: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2015. – С.13. (Kolesov M.V. Prosecutor's supervision of the implementation of laws in the investigation of official crimes related to the concealment of crimes from registration: Abstract of a PhD diss. – Moscow, 2015. – P.13.)
16. Дехтяр С.И. Прокурорский надзор за исполнением законов органами дознания федеральной таможенной службы России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С.15. (Dekhtyar S.I. Prosecutor's supervision of the implementation of laws by the inquiry bodies of the Federal Customs Service of Russia: Abstract of a PhD diss. – Moscow, 2005. – P.15.)
17. Рахманкулов А. Х., Миразов Д.М. Даствлабки тергов: Дарслик. – Тошкент, 2013. – Б.137; Белозеров Ю.Н., Марфицин П. Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела: Учебное пособие. – М., 1994. – С. 39; Химичева Г. П. Рассмотрение милицией заявлений и сообщений о преступлении. – М., 1997. – С. 116-122. (Rakhmankulov A. Kh., Mirazov D. M. Legal documents: Darslik. – Tashkent, 2013. – B.137; Belozerov Yu. N., Marfitsin P. G. Ensuring the rights and legitimate interests of an individual at the stage of initiation of a criminal case: Study guide. – M., 1994. – P. 39; Khimicheva G. P. Consideration of statements and reports of a crime by the police. – M., 1997. – P. 116-122.)

- 18.** Миразов Д.М. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жihatлари: Юрид. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2016. – Б.33. (Mirazov D.M. Theoretical, organizational and procedural aspects of improving control and supervision over the activities of preliminary investigation departments: Doctor of Law ... dissertation. author's ref. – Tashkent: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016. – P.33.)
- 19.** Шамсиев А.А. Терговга қадар текширув устидан прокурор назоратининг хусусиятлари, муаммолари ва уларнинг ечимлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – Тошкент, 2019. – №9. – Б. 43-44. (Shamsiev A.A. Features of prosecutor's control over pre-investigation investigation, problems and their solutions // Journal of Legal Studies. – Tashkent, 2019. – No. 9. – P. 43-44.)
- 20.** Тетерюк А.Г. Прокурорский надзор за производством дознания: уголовно-процессуальный и организационный аспект: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2011. – С.10. (Teteriuk A.G. Prosecutor's supervision of the investigation process: criminal procedural and organizational aspects: Abstract of Cand. Sci. (Law) Dissertation. – N. Novgorod, 2011. – P.10)
- 21.** Самсонов В.В. К вопросу о целях и задачах прокурорской деятельности в досудебных стадиях // Миграционный порядок. Сб. материалов Международ. научно-практич. конф. Ч. 2. Ростов-на-Дону: ФГОУ ВПО «РЮИ МВД России», 2008. – С.22-23. (Samsonov V.V. On the Issue of the Goals and Objectives of Prosecutor's Activity in Pre-Trial Stages // Migration Procedure. Collection of Materials of the International. Scientific and Practical. Conf. Part 2. Rostov-on-Don: Federal State Educational Institution of Higher Professional Education "Russian Law Institute of the Ministry of Internal Affairs of Russia", 2008. - Pp. 22-23.)
- 22.** Шамсиев А.А. Особенности прокурорского надзора за соблюдением прав и свобод человека при производстве предварительного расследования // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари: мақолалар тўплами (I жилд). – Тошкент: Бош прокуратура академияси, 2019. – С.303. (Shamsiev A.A. Features of Prosecutor's Supervision over Observance of Human Rights and Freedoms during Preliminary Investigation // The main objectives of the prosecutor's office in the pre-trial stages are: to ensure compliance with the law (First investigation). - Tashkent: Bosh Prosecutor's Office Academy, 2019. - P. 303.)

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

10 ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 10, НОМЕР 3

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 10, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000